

Адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
ойбитик

110

Феврал

1982 йилдан чиқа бошлаган

Муассислар:

Ўзбекистон ЛКЕИ
Марказий
Қўмитаси ва
Ўзбекистон
Ёзувчилар
уюшмаси

Бош мұхаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ
Эркин ВОХИДОВ
Хуршид ДАВРОН
Владимир ЖОНИБЕКОВ
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ
Ҳамид ИСМОИЛОВ
Насриддин МУҲАММАДИЕВ —
масъул котиб
Олим ОТАХОНОВ
Азим СУЮН
Абдуқодир ЭРГАШЕВ
Нурали ҚОБУЛ
Абдурашид ҚОДИРОВ
Усмон ҚУЧҚОР
Ғаффор ҲОТАМОВ —
бош мұхаррир ўринбосари

Тошкент
«Камалак» нашриёт-матбаа
бирлашмаси

1

TDV İSAM
Kütüphanesi Arşivi
No TK 179

Маколадиабислик

«ЭЙ НАВОИЙ»

Доктор Темур Хўжаўғли —
мутаржим,
Туркияниң Мармарা дорилғи-
нуни мударриси,
«Бугунги Туркистон» хабарнома-
си муҳаррири...

ҳам бунинг устига закий ва но-
зикташб, хўшфөсл инсон...

эҳтимол, шунинг учундир, унинг
зоҳирий сифатлари аксар ёшлар
дилида бирварамайига меҳру ҳа-
вас уйготди.

«Ман гурбатда эмасман, гурбат
маним ичимда,— бир турк шоюри
шундай деган. Ва мен шу сатрга
хиёл ислоҳ киритуб, айтишини истар
эдимки,— Ман Ватанда эмасман,
Ватан маним ичимда!»

Кирқ уч йил олис юртларда
юриб, она Ватан деган, улуғ Тур-
кистон деган табаррук тушиунчани
жони-дилимда ардоқлаб яшиадим,
буғун унинг васлига етган бир
маҳалда билмайдурманки, мен Ва-
танданманки ё ўз юрагимда? Жону
дилимда?

Йигирма икки йил аввал, ва-
фотларидан илгари ҳузурига мени
чақириб, отам айтганлар: — Ў-
лим, буғундир, эртадир оламдан
ўтаман. Рози бўл. Сенга бу юрт-
ларда қаср қолдирмадим, уй-жой,
мол-дунё қолдирмадим. Мендан
қолмиш мерос шуки, Ватан ҳасра-
ти, она юрт қайғусидир!

Биз — хориждаги туркистонлик-
лар, қачон қарамане, шу Ватан
ҳасрати, шу юрт қайғуси билан
ҳаётмиз. Ва сиз — унинг меҳрини
эмби яшаётган азиزلар шуни би-
лишингилини истар эдикки, бизнинг
бу соғинч, бу доғу ҳасратда ға-
разли бир ният, ортиқча бир даъ-
во йўқ. Фақатгина соғинч, онаизор
меҳрига қонмаган фарзандининг
дилни ўртагувчи соғинчи — Ватан-
га муҳаббат бор унда, холос».

«АВЛОДИ!...»

Унинг мунг тўла армонли сўзини
тинглар экансиз, она Ватан деб
аталмиш англанимаган Армонни,
фарзандлик бурчи деб аталмиш
узилмаган Қарзни, кимлигингилини
қайта ва теран ҳис этмаслигини-
гиз ҳеч мумкин эмас. Ва айни пайт-
да мударрис ҳақидаги дастлабки
тасаввур секин-аста сизда ўзгара
боради, энди у хорижда баермон
яшаётган тиниб-тинчимас, турфа
хил этишмовчиликлардан холи ин-
сондан Ватан ҳасрати адоиши тамом
қилган фожеий қисматга айланади.
Сиз эса беихтиёр Ватандан
олисда, шу юрт ҳажрида куйиб,
шу заминга талпиниб гурбат ила
кун кечираётган юзлаб ва минг-
лаб темурхўжалар ҳақида ички бир
огриқ билан ўйлай бошлийсиз...

Заҳирийдин Муҳаммад Бобур
хусусида фикр юритиб, шундай деган
эди у:

«Кўзлаган муродига етса киши,
Ё барча муродларни тарқ етса
киши.
Гар иккиси мусасар бўлмас экан,
Бошин олиб бир сорига кетса
киши.

Бобур шоҳ ҳам ўн олтинчи аср-
нинг бошларида Туркистондаги жу-
раккаб сиёси вазият туфайли азиз
Ватанидан ситилиб чиқиб кетган,
шунга мажбур бўлган у, Ватанини
тарқ этмаган бироқ...»



Темур Хўжаўғли

Мураккаб сиёси вазият туфайли
вақтида Ватанидан ситилиб чиқиб
кетган, умрини хорижда ўтказган
яна бир ҳаммиллатнинг ҳасратла-
ри менинг ёдимда. Саудия Араб-
истонида истиқомат қиласи у, ис-
ми Абдулҳамид. Кўзда ёш билан
шу киши айтганки, не кўргулликка
гувоҳ бўйладим, ука. Ҳаммиллат-
лар юртида қолган зоту зурриёди
ва ёки онаизоридан, Ватанидан бир
мужда кутиб, уларнинг тирикли-
гини ҳам, ўликлигини ҳам билмай
етмиш ишлаб ҳижратда яшаган-
лар, етмиш ишлаб адоқсиз ҳасрат
билан шу ёққа кўз тикканлар. Ва
ахири, сўнгги лаҳзада ўша зоти
ва ёки онаизорининг исмини айтиб
фарёд чеккан кўни армон билан
оламдан ўтганлар...

Булар барчаси оламнинг турли
бүрчакларида сочилиб ётган, пар-
чинланган Қисматнинг бевосита
бизга даҳлдор мунгли унлари, сув-
айдолари дир. Ва үлар лоқайд қол-
дирмайди бизни, дилда туғилган
ўйлар, тилдан тилга кўчиб яшовчи
нақллар тасаввурни тўйинтиради,
солнома кемтикларини тўқислаш-
тириб боради, оқибат жамуложам
ҳолида мана шу Ватан, унинг кеч-
миши, қиёфасини ташкил этади.

Фаффор Хотамов

ТЕМУР ХҮЖАҮГЛИ: — Одил ака, мана, узок юртларда яшаб, кирк уч йилни хорижда ўтказиб, барча муҳожирларнинг фарзанди сингари киндин қоним чет элларда тўкилиб, Ватанини соғина-соғина, ниҳоят, азиз диёрга келиш менга насиб этди. Сўзимнинг бошида шуни айтишим керакки, ташрифимга сиз сабабчисиз. Таважжух кўрсатиб менга даъватнома юбордингиз, бундан бошим кўкка етди, чунки мен севган, мен кадрлаган улуф бир ёзувчининг каминага даъватнома юборгани катта бир ифтихор василиасидир. Сиздан ўта миннатдорман. Ватанимни кўришга мусассар бўлдим. Андижон, Тошкент, Самарқандда, отам юрти Бухорода кезиндим, бу ерлик кишилар, халқимизнинг солих ўғлонлари, улкан иқтидор сохиблари билан дилкаш сухбатлар курдим. Мана, бугун сизнинг хонадонингизда ўлтирибман, бунчалик ширин дийдорни бир йил олдин хаёлга келтириш кўп мушкул эдик, Ватанга бораману Одил ака билан юзма-юз ўтириб дардлашман, деб хаёлимга хам сифдира олмасдим. Аслида сиз мени уччалик танимайсиз, мен эса сизни яхши таниман, сизнинг асарларингизни, «Диёнат», «Улуғбек хазинаси»ни қайта-қайта ўқиганман, хозирги кунда «Улуғбек хазинаси»ни Туркия туркласига таржима киляпман, аммо бу оддий бир таржима эмас, балки сизнинг асарларингиз мағзига сингдирилган нажиб маъноларни усмонли туркийда ифодалашга ҳаракат килаётитман, албатта, менинг иқтидорим сизничиалик эмас, таржима жуда қийин кечмокда, аммо шунга эришини истаяпманки, токи десинилар: «Бу асарни Одил Ёқубов туркча ёзган!»

Ижозатингиз билан сизга бир савол берсан: чет элларда яшаб турган, Австралиядан тортиб Покистон, Туркия, Арабистон, Афғонистон, Оврупо мамлакатлари ва Амрикода яшаётган туркистонликлар хақида нима деб оласиз?

ОДИЛ ЁҚУБОВ: — Ўзбек халқи бошига тушган бехибоб ташвишлар туфайли, ўша ўқтабир инқилоби деб аталган, лекин бугун бу бемаврид инқилоб эди, дея жами рус зиёлилари, хатто фирмка аъзоларининг бир кисми хам тан олаётган, кўпчиликни айрилик пўртасига тортган ўша инқилоб туфайли ватандошларимизнинг бошларига хам кўп кўргуликлар, кайгуноситамлар тушиб, хорижий элларга тарикдай сочилиб кетганлиги ҳануз тузалмас дардларнинг биридир. Биз улуф маърифатпарвар юртдошларимиз қандай куллатларга дучор этилганлигини биламиш ва бунинг учун жуда каттик қайғурамиз. Айни замонда диалектика деган бир тушунча бор-ку! Ушбу тушунчага биноан, хаётда содир бўладиган хар бир воқеанинг хам яхши, хам ёмон томони мавжуд. Шу маънодა бизнинг ватандошларимиз, гарчи ўз ватанларидан айрилиб, бошларига кўп мусибатлар тушган эса-да, биз вokiф бўлиб турганимиздек, улар хоҳ Амрикода бўлсин, хоҳ Олмонияда бўлсин, хоҳ Ҳитой ёки Арабистонда бўлсин, ўз иқтидорлари, кувваи хофизаларига таяниб, уддабуронлиги ва ишбилармонлиги туфайли ўша мамлакатларда ўйк бўлиб кетмаганларидан биз хурсандмиз, биз шунинг учун хам хурсандмизки, улар хору зор бўлишгани ўйк, аксинча, ўша жойларда дарҳол инглиз, фаранг, немис тилларини ўрганишиб, араб ва япон тилларини эгаллаб, шу халклар ичига киришиб, уларга бирор ёмонлик қилмай, аксинча, еган тузларини хам оклаб, иззат-икром топган юртдошларимиз хақида кўп эшитамиш ва бундан бизлар хам фаҳрланамиз. Негаки, улар бизнинг жамиятга тамомила бегона ижтимоий тузумда кадр ва мавқе топиши учун, табиийки, фавқулодда тадбиркор, заки инсонлар бўлиши керак эди ва буни амалда тасдиклаши хам. Хориждаги



Одил Ёқубов

минг-минглаб ватандошларимиз хақида шундай дейин мумкин ва бундан мамнунмиз. Тарки ватан килган кимсалар хақидаги бўхтонлар, улар Ватанини сотган деган таъналарга бугунги кунда барҳам бериляпти. буни давлат ва ҳукумат раҳбарлари, жумладан, Михаил Сергеевич Горбачев хам қайта-қайта таъкидлаёттир. Бу хақиқатни биз — ўзбек зиёлилари хам қайтадан теран идрок этаётитмиз. Ҳозир хорижга бориб келаётган зиёлилар миқдори ўси. У ёкка борган вакилларимиз, мутахассислар, ижодкорлар улар билан астойдил сухбатлашиб, хоҳ Амрикода бўлсин, хоҳ Туркияда бўлсин, хоҳ Олмония ёки Фарангистонда бўлсин, ватандошларимизнинг нияти ғараздан холи эканлигини, Шўролар Иттифоқига муносабати самимий экантигини таъкидламоклар.

ТЕМУР ХҮЖАЎГЛИ: Раҳмат, Одил ака! Билдириган мuloҳазаларнинг ўрини. Бобур шоҳдан тортиб турли сабаб билан юртдан чиқиб кетган ватандошларимиздан сultonлар сулоласи чиккан, лекин гадо бўлган бирор ўзбек ё қозокни учратмайсиз. Муҳожиротдаги кейинги етмиш йиллик тарихимизга назар солсак, иккита гина котиллик ходисаси бўлган, у хам бўлса номус-шаън билан боғлиқ. Бундан бўлак котиллик, помраҳўлик, ўғрилик ёки бошқа бир жиноят билан қамоқда ётган ватандошларимиз йўқ. Бунинг сабаби сиз эътироф этган улуф хакиқатлар билан изохланади. Бизнинг ватандошларимиз хоҳ Австралияда, хоҳ Хиндистонда, хоҳ Оврупо мамлакатларида, хоҳ Олд Осиёда бўлсин, ишчи бўлиб ишлаганлар, дўкон очганлар, кўча супурганлар, лекин бирон-бир лаҳза ўзларининг улуф бир милллатга мансуб эканликларини унутмаганлар, унинг шаънини ерга урмаганлар. Қайси бир соҳада ишлашмасинлар, киска муддат ичиди ўзларини ўнглаб олишиб, дўкондор бўлганлар, кейин йирик корхоналар очганлар, эътибор топганлар. Амрикода Нарзикул деган ҳамшаримиз бор эди, иккى йил олдин вафот этдилар, шу киши Амрико харбий учокларига ускуналар тайёрлайдиган учта йирик заводнинг эгаси эди. Бизлар учун бу катта ифтихор намунаси эди, чунки Амриконинг катта бойларидан бири хисобланарди. Чет элларга чиқиб колган Бухоройи шарифлик шайхлар авлодидан иккичиши Амриконинг йирик миллиардерларидан хисобланади. Уларнинг «Атлантик» деган пластинка ёзув ширкати бор. Амрико санъати юлдузларининг кўй ва қўшикларини миллионлаб нусхада ёзил чиқармокда-

лар. Шунингдек, бизнинг ватандошларимиз каторида олимлар, фозиллар ҳам кўп. Туркия дорилғунунларида, Арабистонда, Оврупо илмгоҳларида дарс берадиган йирик олимларимиз ҳам бор. Сайд Али Анқара деган йигирманчи йилларда Бухоро жумхурияти томонидан Олмонияга юборилган ажойиб бир тошкентлик олим Туркияга қайтиб, физика ва кимё соҳасида улкан қаш-фиётлар қўлган. Чигатой деган бир олимимиз социология (ижтимоият) соҳасида машҳур бўлган, шунингдек, қатор юртдошларимиз ҳуқуқшунослик жабхасида, туркшуносликда эътиборга молик илмий тадқикотлар яратганлар. Ҳатто туркиялик туркларнинг ўзи ҳам бундан севиниб, ўтара Осиёлик ота-боболаримизнинг фарзандларига қаранг, улар келиб бизга ҳолис хизмат қилмоқдалар. Туркистонга минг раҳмат, улуғ Бухорога минг раҳмат, дейишмокда. Албатта, бу қувонарли ходисадир.

Одил ЁҚУБОВ: — Темуржон, халкимизнинг сиздан бир фарзанди шунча ташвиш-саргардонликлардан ке-йин жаҳоннинг тараққий топган мамлакатида—Истамбулдаги Мармара дорилғанунида таълим бериши бизни хурсанд қиласди.

ТЕМУР ХЎЖАЎҒЛИ:—Шуни ҳам айтишни истар әдимки, Колумбия дорилғунунида Сталин ўлимидан кейинги давр ўзбек ва козок романларида миллий онг масаласига доир докторлик ишмени химоя қилдим. Бу ишда мен асосан сизнинг романларингизни тадқик этдим, Одил ака, чунки бизнинг бошка ёзувчиларимиз миллий масалаларда ёзишга журъат кўрсатмаган бир даврда сиз катта жасорат билан ўша «Диёнат» деган романингизни яратдингиз. Албатта, «Улуғбек хазинаси» улкан бир асар, мен учун ҳам қадрли, Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, бизнинг фаҳримиз! Аммо негадир «Диёнат» менинг юрагимга якин, ўша Отакўзи, унинг, айникса, отаси қабрини зиёрат килиши, шунда кўкрагига уриб, менинг масжидим, имоним мана шу ерда, дейишидан, ҳар гал ушбу сахифани ўқиганимда кўзларимдан тиркираб ёш сизади, «Улуғбек хазинаси»да Али Кушчининг Ватандан чиқиб кетаётган дамдаги изтироблари хеч маҳал кўнглимдан чиқмайди. Гарчи ўзим Ватандан ажралмаган бўлсан ҳам, отам Усмонхўжа 1920 йил шундай кулфатни бошидан ке-чирган. Ҳар гал «Улуғбек»ни мутолаа қилганда жу-доликнинг шу ситамини дилдан туюман.

Докторлик ишимнинг буюк бир кисмидан сизнинг кисса ва романларингиздан, шунингдек, Илёс Есенберлин, Дўканбий Дўстчонов асарларидан парчалар келтиридим. Чет элликларга, америқоликларга шуни исботлашга харакат қилдимки, бизнинг Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон асос солган замонавий ўзбек наасри киркинчи-эллигинчи йилларда оғир даврлардан ўтди, олтмишинчи йиллардан кейин Одил Ёкубов каби бошқа бир катор адабларнинг кучи билан миллий адабиёт бўлиб сакланиб колди. Хеч бир замон ўз миллий жилоларини йўқотмади. Айникса, сизнинг кейинги романларингиз, хозирда «Ёшлик» ойномасида асарлари чоп этилаётган истеъодли носирлар ижодида силкibtурган миллий рух менинг фикримнинг далилидир.

Ўзбек адабиёти деган айрим бир адабиёт бор. Ҳеч бир вакт бу адабиёт йўқ бўлмайди, чунки унинг илдизлари бизнинг урхун ёзуви мизга, корахонлилар адабиётига бориб тақалади.

Афусуки, ўзбекчадан бевосита жаҳон тилларига таржима килиш тузук йўлга кўйилмаган. Сиз лойиқ бўлган ўрнингизни жаҳон миқёсида хали топмаганингиз аслида шу билан изоҳланади. Сиз Шўролар Итифокидагина эмас, жаҳон миқёсидаги улкан бир ёзувчи исиз.

Одил ЕҚУБОВ: — Темуржон, шу маънода сиз ҳақсизки, бу ёруғ оламда ўзбек адабиёти деган айрим бир адабиёт бор ва хеч бир вакт бу адабиёт йўқ бўлмайди. Факат сўнгги йилларда у жаҳон адабиётининг мумтоз намуналари билан ёнма-ён тургулик «Чинор»дай, «Уфқ»дай, «Юлдузли тунлар»дай, «Умид», «Кафансиз кўмилганлар»дай комил асраларни, Ўткир Хошимов, Шукур Холмирзаевдай носирларни бизга инъом этиди. Бу адабиёт Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Халима Худойбердиева, Омон Матжон, Жамол Камол, Гулчехра Ойдин Ҳожиева, Рауф Парфи, Мухаммад Али сингари ўнлаб ёркин истеъодлар назми билан умумисоний маънавиятни тўйинтириди. Ҳар бирининг ижодига мен чексиз эҳтиром билан карайдиган навқирон шоири адиблар хусусида сўз очилса агар, бу сухбатнинг адоги бўлмайди...

Улар яратыётган маънавий неъматлар нечоғлик тез умумисоний мулка айланиши эса, табиийки, аслият-дан таржима билан бевосита боғлик.

Килинажак ишлар, ниятлар катта. Эҳтимол, шундай кунлар ҳам келар: шоири ёзувчи табиатни мухофаза килиш, тилига давлат макоми бериш, пахтанинг харид нархини ошириш учун курашга умрини сарфламас, улар ўзларини буткул ижодга бағишилар. Шунда имоним комилки, бу адабиёт биз хаёл килгандан ҳам сержило, комил, курдатли бўлади.

Бу адабиёт не-не сиймоларни етиштириб бермади, ахир!

Умуминсоний маънавий қадриятларнинг буғунги миқёсларини, буғунги маърифий боскични, масалан, дейлиқ, Навоий ҳазратларининг жавохиротисиз тасаввур этиш кийин.

Навоийнинг каминага маълум насрый асарлари, айникса, унинг шеърияти тенгисиз бир уммондир. Хали бу шеърият, гарчи яралганидан бўён беш юз йилдан зиёд вакт ўтса хам, жаҳон олимларни томонидан тўлиқ ўрганиб чиқилган эмас. Минглаб олимлар Навоий асарларини ўрганган бўлсалар хам, унинг барча асарларини ўрганиб, никоясига ета олган эмаслар. Мен демокчиманки, Ижодий фикрлар теранлиги, инсон қалбининг энг нозик, энг сезгир торларини черта олганлиги жихатидан, инсон маънавий оламини камраб олиши жихатидан Навоий дунёдаги энг улуг мутафаккирлар сирасига қиради. Шунинг учун хам Навоий ижоди, шоир яратган улуг достонлар хакида, у дунё ҳалқларига, биринчи навбатда туркӣ ҳалқларга, жумладан, ўзбек ҳалқига хадя килган «Хамса»си хакида сўз кетгандা, бинобарин, бир сўз билан, бир тадқикот билан камраб олиш жуда кийин унинг кадр-кимматини. Ўзбек ҳалқи бошқа туркӣ ҳалқлар сингари Навоийни ўзининг маънавий падари, йўлбошчиси сифатида танийди. Навоийнинг инсонпарвар гоялари ўзбек ҳалкининг виждони, ори, номусидир. Мана шу гапларнинг барча-барчасини Навоий айтиб кетган ва Навоий бизнинг буғунги хаётимизни кузатиб тургандек, энг муҳими, у бизга ҳакамлиқ килиш, эй ҳалқим, мана бу ишинг тӯғри бўлаётиди, мана бу ишинг тӯғри бўлмаётиди, деб ҳукм чиқаришга ҳакли бўлган буюк сиймолардан биридир. Ўзбекнинг уйнда китоб жавони бўлса, шу жавондаги китобларнинг тенг ярми Навоийнинг китоби, Навоийнинг достонлари, Навоийнинг газаллари. Бизнинг ҳалқ суйган ҳофизларимиз айтадиган ашулаларнинг аксарияти Навоий ғазалларига басталанган. Бизда тўй-ҳашш ўйк, у ерда Навоий ғазаллари айтилмаса, шу ғазалларга басталанган кўшиклар куйланмаса, шу кўшикларни тинглаб ўтирган кишилар чайкалиб кўзларига ёш олмаса! Бизда бирон-бир хонадон йўқки зурриёди Навоийнинг севикли қаҳрамонлари Фарҳод

ё Ширин, Лайли ёки Мажнун, ёхуд Алишербек номини олмаган бўлса!

Навоий таваллуд топган куннинг беш юз эллик йиллиги наинки Шўролар Иттифокида, балки жаҳон миқёсида нишонланади. Айни шу кунларда Навоий асарлари Туркияда, Фарангистонда, Амриқода нашрдан чиқаётir. Нашрларнинг синон нусхалари жумхурият Езувчилар уюшмасига етиб келди ҳам.

Мен ўйлайманки, Туркияда ҳам бу кутлуг санага хозирлик катта, турк ҳалқи шубҳасиз Навоийни бир туркигўй шоир сифатида азиз билади, тўю ҳашамимиизда биз билан бирга севинади, улуғ аждодига эхтиром кўргизади.


ТЕМУР ХЎЖАУҒЛИ:—Биз—хориждаги туркистонликлар ҳам бобомиз ҳазрати Навоийга чексиз бир эхтиром билан қараймиз.

Едимда, у пайтлар ҳали мен жуда ҳам ёш эдим, отам менга Навоий ғазалларидан ўқиб берар эди. У киши ҳазрат Навоий номини тилларидан қўймас, мен эсам ҳали мурғак эмасми, шундай отлик бир қўшикчи бўлса керак, деб ўйлар эдим. Негаки, отам ҳазратнинг ғазалларини айрим бир усул билан ўқир эдиларки, кейинчалик англаб етсан, бу аруз бўлиб, шеър муайян макомда ўқилар экан.

Мактабга боргач, секин-аста ҳазратнинг ким эканлигини англаб етдим. Табиийки, мен ўзбек мактабида таълим олмаганман, мактабда тўртинчи синфда — ёдимда бор,— муаллимамиз, у киши хозир ҳам ҳаётлар, жуда маърифатли хоним эди,— ҳар доим мени:— Эй, Навоийнинг авлоди, кел бу ёқка,— деб чақирав эдилар, мен эса келиб отамга айтардим:— У киши нега менга бундай дейдилар? Ахир мен Усмонхўжанинг авломдиман-ку?

Отам дерди:— Йўқ, бизга нисбатан, биз — туркистонликларга нисбатан ҳурматини изхор этиб шундай дейди, чунки Навоий ёлғиз туркестонликларнинг эмас, балки барча туркий ҳалкларнинг улуғ шоири, Навоийнинг улуғлиги шундаки, унинг таъсир доираси факат Туркистон чегаралари билан чекланиб колмаган, ҳам Эронга, Онатўлига, Тотористонга, Кримга етиб борган, Навоий бўлмаса эди, усмонли, озарий турклиаридан Фузулий деган шоир чикмас эди,— деб айтардилар. Фузулийнинг устози Навоий, буни унинг ўзи ҳам эътироф этган. Тўғри, Навоийга қадар ҳам Рудакий, Низомий сингари катор улувлар ўтган, аммо улар форс тилида ижод қилгандилар учун бизнинг туркий тилимиз, туркийча шеърият макомлари Навоийнинг ижоди баробарида тенгиз камолот касб этган.

Маълумки, шунга қадар илм тили араб тилини деган тушунча ҳукмрон бўлган, шунинг учун ҳам Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Хоразмий каби Туркистон фарзандлари ўз асарларини шу тилда яратишган. Шоирлар эса назмни форсийда битганлар. Туркий тил эса ҳарбий тил, жанг маҳали қўлланиладиган тил деб қаралган. Бу тилда латофат, жозиба, назмий истилоҳларни ифода этиш кўрки йўқ, деб ҳисобланган. Ҳолбуки, бу жозиб тилда бизнинг ота-боболар 732 йилда Урхун водийисида тошларга бизнинг Урхун деб атамлиш ёзуви мизда ўлмас битиклар битишган. Албатта, бу бизгача етиб келган обида, дунёга маълум ҳозир. Ҳунлар замонида аждодларимизнинг ўз ёзуви бўлган. Бу Византия, Хитой тарихчилари томонидан эътироф этилган. Ҳунларнинг тили, ёзуви бўлган, бирор улар ўз битикларини терига битишган. Шунинг учун ҳам, афсуслар бўлсинким, ўтган жанг жадаллар, кирғинлар ва бошқа талофтотлар оқибатида улар бизга қадар етиб келолмаган. Факат бизнинг Тўньюкук, Кул тигин деган аждодларимиз тошга битган ёзувлар сакланиб колган. Ва бу ҳам



Шукрулло

Оврупо шарқшунослари томонидан кашф этилган. Токи шунга қадар туркий ҳалклар фақат жанг жадал билан машхур бўлган, юрт босиб олган, тилида, маданиятида нафосат бўлмаган, деб қаралган, фақат ўша битиклар кашф этилгач, ўтмишимизга хайрхон назар билан қарап юзага келди. Ўша Урхун ёзувидаги маънонинг теранлигига ахли дунё ҳамон хайрат билан қарайди, шу қисқагина, мухтасар битикларда бу қадар улуг тушунча мужассамлиги барчани лол қолдиради.

Мана шу маданияти янада юксак макомларга олиб чиқкан ҳазрати Навоийдир. У кишининг ҳайратангиз салоҳияти шундаки, ўзларидан бу қадар пурмаъно, бу қадар кўп жилди асарлар қолдиран. Ўларнинг ҳар сатрида бепоён тафаккур мужассам. Айтиш керакки, чигатой адабиётигина эмас, усмонли турк адабиёти ҳам Навоий ҳазратларининг маънавий таъсирида янги поғоналарга юксалди.

Шу маънода агар Туркияга бориб, Навоий бизнинг шоиримиз, дегудек бўлсангиз, улар норози бўлишади ва айтишадики, йўқ, Навоий бизнинг шоиримиз! Сўнг дейдиларки, сизнинг Туркистондаги кутубхоналарда Навоийнинг қайси бир асари кўлэзмаси сакланмоқда, хўш? Ахир барчаси бизда-ку! Бизнинг кутубхоналарда сакланмоқда-ку!

Туркияда навоийшунослар кўпгина тадқикотлар яратишган, йирик олим Фуод Қўқтўнлидан тортиб бўлак олимларгача бу борада кимматли ишлар килишган. Фуод Қўқтўнлиниң фикрича, Алишер Навоий барча туркий ҳалклар адабиётидаги ягона дохийдир. Навоийдек улуг шоир ундан аввал ҳам, ундан кейин ҳам ер юзига келган эмас.

Дарҳакикат, Туркияда Алишер Навоий ижодига эътибор чексиз. Бошланғич мактаб ўқувчилари шоир ижодини яхши билишади, унинг асарларини чигатой туркийсизда мутолаа килишади, дорилғунунларда ҳам шундай. Мен Истамбул дорилғунун турк тили ва адабиёти бўлимида ўқидим, бу бўлимида Фузулий ижодига бир семестр давомида 18 соат вакт ажратилади, шу вакт ичida улуг шоир асарлари таҳлил этилади, Навоий ҳазратлари ижодига эса 32 соат вакт ажратиладики, шу вактдаги сабоқда унинг ғазаллари, ғазал-

ларидаги мазмун, истилохлар йирик олимлар томонидан тадқик ва тақдим этилади. Бизга сабоқ берган атоқли олим, устозимиз профессор Али Нихот Тонгла ҳазратнинг бир байтини беш кун мобайнида таҳлил этган, шу байт замиридаги истилохлар, муаммоларни изоҳлаб бериш баробарида бутун бошли туркий адабиётини таҳлил этиб чиккан. Шайх Фузулий, ё Шайбонийхон, ёки бўлак бир туркигўй шоир асари хусусида сўз кетар бўлса, у киши, мана, кўрдингизми, мана бу тимсол, мана бу маъно Навоийдан кўчган, дея изоҳ бериб ўтар эдилар.

ШУКРУЛЛО: — Иним Темурхўжа, сиз Навоийнинг буюклиги, акл бовар қилмас даражада колдирган адабий мероси, тафаккур дунёсининг бекиёслиги хусусида батафсила гапирдингиз, хайрат билан сўзлайдингиз. Буни келтириб чиқарган омиллар нима? Биринчидан, Навоийнинг ўзи айтганидек:

**Одамий эрсанг демагил одами,
Оники ўйқ ҳалқ ғамидин ғами.**

Буюкликнинг омилларидан бири ҳалқнинг ғами билан яшашибадир. Албатта, шунинг ўзигина буюкликни на-моён этолмайди, бунинг учун, табиийки, улкан иктидор ҳам, шунинг баробарида илм-маърифат бўлмоғи керак. фикри ожизимча, Навоий ҳазратлари тангри ато этган туғма истеъоддога эга бўлганлар. Акл бовар қилмас даражада кўп ва хўп ёзишлари шу билан изоҳланса эҳтимол. Шунинг учун ҳам худо кўнглига солган маъноки бор, унга уйғун шакл топган, ўлмас санъат аса-рига айлантирган. У вазн ва ёки кофия излаган шоир эмас, барча-барчаси табиий йўсунда туғилган.

Иккинчидан, миллатнинг қиёфаси — тил. Навоий ҳазратлари ҳалқнинг ўзидан олиб, ҳалқнинг ўзига ўлмас обидалар колдирган санъаткор, маданиятимиз кади-мийлигини тасдиқлаган, уни янада камолотга етказган улуғ шоирдир.

**Фурбатда ғарип шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар кизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.**

Мана, хозир мен, Темурхўжа, сизнинг сұхбатингиз-ни тинглаб, ҳазратнинг шу сатрларини ёд этиб ўтирибман. Ахир, қафасдан озод бўлган булбул ўзини қандай хис эта, сиз ҳам мана шундай бир хиссият билан яшаётисиз. Чунки одамга Ватан дийдоридан кўра азизроқ, Ватан истиқболидан кўра табаруқроқ, мукад-ласрок нарса бўлмаса керак. Сизнинг пойқадамингиз бошланиши бўлсин, Ватан ҳам, Навоий ҳазратларининг шеърлари ҳам оҳанрабодек бағрига тортиб, бошимизни бириктириб, бағримизни бутун, кўксимизни тоғ қилиб турсин.

МУҲАРРИРӢЯТДАН: Ушбу сұхбатда айтилгандек, турли иқ-лим, турли мамлакатларга тарқаб кетган ватандошларимиз, уларнинг бугунги авлодлари ҳамиша Ватан ишқида ёнганилар, унинг дардидан дардга ботганлар, ғамидан ғамлар чекканлар. Қайта қуриш шарофа-ти илиашбу кун ularга гоявий мухолиф, хоин, сотқин дея ёпиширилган ёрлиқлар олиб ташланмоқда. «Ёшлиқ» ойномаси ана шундай ватандошлар билан яқин алоқалар ўрнатишга ва улар билан сұхбатларни ўз саҳифаларида ёри-тиб боришга ҳаракат қиласди.

6

Ҳабиба Абдуҳакимова



Ҳабиба АБДУҲАКИМОВА — Фарго-на вилоятининг Тошлок туманида туғланган. Кўкон Давлат педагогика институтини битирган. Шеърлари жумхурият матбуотидан, «Булук кўз очди», «Софийиб яшайман» каби тупламларда чоп этилган.

Майсалар

**Шарқираган сойни қуритган
Бетон қувур гапни үқмайди.
Бир қултум тиниқ сув ва тоза ҳаво
Излаб келган қушлар тирик қайтмайди.
Одамлар-чи?
Сўз чайнаш билан овора улар...
Нима қилсан?
Кетсамикан бош олиб
Ойга
Майсалар.**

* * *

**Тилинг йўқ деб дардимни тўкиб солсам сенга, тош,
Портлаб кетдинг чинқириб, йўқмиди сенда бардош?
Дилим нақши чизилиб қолибди оҳларингда,
Килиб қўйдинг-ку ахир, сиримни сабога фоши.**

* * *

**Юлдузларнинг бағрида истагим бўлди тугун,
Мажунунтол новдасида юрагим бўлди тугун.
Сув бўйига ўтириб, ўйгладим тўйиб-тўйиб,
Балиқларнинг комида тилагим бўлди тугун.**

ЁЛҒИЗ ЁЛ

**Ойлар тўлди, бағри тўлмади,
Иллар үтди, дарди ўлмади,
Ғамга тўйди, ишқиа тўймади,
Бахт қушини учирган аёл.**

**Дурлар эмас, дўст керак унга,
Дунё эмас, жуфт керак унга.
Кўзги гулдай мунғаяр кунга
Остонада бир ёлғиз аёл...**

Хотира кунида

**Тириклигида йўл
Пойлаган каби
Мунғайиб ётарди
Онанинг қабри...**